ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЯНГИ ЗАФАРЛАРИ САРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 38 (5008). | 22 февраль, 1974 йил | ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XVII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛАДИ.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИНГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

21 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигинга Ленин ордени билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Уроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

Ўртоқ А. Н. Косигин Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ана шу юксак мукофотларга сазовор бўлди.

Мукофотларни СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний топширди.

Залда мукофотларни топшириш вақтида Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз Алексей Николаевич!

Ўртоқлар!

Бугун биз ҳурматли ўртоғимиз ва дўстимиз Алексей Николаевич Косигининг ҳаётидаги ажойиб сана — унинг туғилган кунига 70 йил тўлишини нишонламоқдамиз.

Алексей Николаевич, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг сенга йўллаган табрикномасида, сени Ленин ордени ҳамда иккинчи «Уроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонда партия ва халқ олдидаги катта хизматларингга баҳо берилган.

Бу ерда ҳозир бўлган ҳаммамиз кўп йиллар мобайнида сен билан кўлни қўлга бериб, ишлаб келаяпмиз, ҳамнафас бўлиб яшаяпмиз, муштарак вазифаларни ҳал этаяпмиз. Шу сабабли сенинг улуғ ишимиз тантанаси йўлидаги курашчи эканлигингни, ўзингга ва бошқаларга нисбатан принципиаллигингни ва талабчанлигингни ҳар биримиз биламиз. Ана шу ажойиб фазилатларинг туфайли партиямизда ва халқимиз орасида обрў қозондинг.

Сенинг ҳаёт йўлинг кўп жиҳатдан Совет давлати шонли тарихини бамисоли ифодалаб турагандек. Сен ишчи оиласидан чиқиб, ўз ҳаётингни ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар иши билан, ленинчи партиямизнинг улуғ иши билан абадий боғланинг, сал кам ярим асрдан бери шу партия сафларида туриб келмоқдасан.

Ўспиринлик чоғингдаёқ сен кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига кирдинг. Армиядан бўшаганингдан кейин Сибирдаги матлубот кооперацияси системасида меҳнат қилдинг. Дастлабки беш йилликлар даврида халқ хўжалигида актив ишлаб, фабрика мастеридан халқ комиссаригача бўлган йўлни босиб ўтдинг. Фашизмга қарши курашнинг даҳшатли дамларида партия сенга масъулиятли ва мураккаб вазифаларни, шу жумладан қамалдаги Ленинградга ёрдам бериш, саноатни мамлакат ичкарисига кўчириш ва мамлакат экономикасини мудофаа эҳтиёжларига мослаб қайта қуриш вазифаларини ишониб топширди.

Кўп йиллардан бери сен партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси составида ишлаб келмоқдасан.

Деярли 10 йилдан бери сен Совет ҳукуматимизга бошчилик қилмоқдасан. КПСС нинг XXIII ва XXIV съездлари тарихий қарорлари билан нишонланган шу йилларда партия ва бутун совет халқи Совет Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасида, унинг халқаро позицияларини кучайтириш соҳасида ўз кўлами жиҳатидан мислсиз куч-ғайратлар сарфлади. Айни шу йилларда партиямиз, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий Бюросининг актив ва собитқадам фаолияти совет экономикасини ривожлантиришда, совет кишиларининг фаравонлигини оширишда айниқса катта натижаларга олиб келди, халқаро вазиятни соғломлаштириш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашда катта муваффақиятлар билан якунланди.

Партиямиз белгилаб берган ички ва ташқи сиёсат йўли изчиллик билан амалга оширилаётганлигини барча совет кишилари қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу мададкорликни аниқлаш ҳаммамиз учун бениҳоя қадрлидир, бу эса зўр мамнуният бахш этади, янада кўпроқ қатъият билан ишлаш, бутун кучни муштарак ишга сарфлаш иштиёқини туғдиради.

Азиз Алексей Николаевич, сен ўз етмиш йиллигингни гайрат шижоатга ва ижодий кучга тўлган ҳолда кутиб олмоқдасан. Бугун Ватаннинг олий мукофотларини топшириш пайтида шу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар номидан сени шонли юбилей билан чин кўнгилдан табрикламоқчиман, сиҳат-саломат, бардам бўлишингни ва янада самаралироқ ишлар қилишингни тиламоқчиман. Биз шунга аминмизки, сенинг партия ва давлат иши соҳасидаги жуда катта тажрибанг бундан буён ҳам коммунизм қурилиши ишига хизмат қила беради.

Ўртоқ А. Н. Косигин жавоб нутқи сўзлади.

(Давоми 4-бетда).

ХАЛҚ ЎЗ АРМИЯСИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

21 февралда Тошкентда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмларининг вакиллари Ўзбекистон ССР давлат «Академик катта театри залини лиқ тўлдирдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов йиғилишни очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Фахрий президиумга узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида сайланди.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал майор Ю. П. Максимов Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 56 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бугун Тошкент область XVII партия конференцияси очилади. Пойтахт области партия ташкилотлари ва коммунистлари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган бу партиявий анжуман тарихий кунларда бўлиб ўтмоқда. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини барча соҳаларда улкан зафарлар билан якунлаган қаҳрамон халқимиз тўртинчи белгиловчи йилга забардаст одим ташлаб кириб келди.

КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи партиямиз Марказий Комитетининг партияга ва совет халқига Мурожаати барча совет кишилари сингари областимиз партия ташкилотлари, коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширib юборди.

Узбекистон Компартиясининг жанговар отряди ҳисобланган пойтахт партия ташкилоти ўзининг XVII конференциясига КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети атрофига янада жипслашган, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиққан ҳолда келди. Ўтган уч йил мобайнида областимиз экономикаси, халқ хўжалиги, маданияти тез суръатлар билан ривожланди ва халқ фаровонлиги бирмунча юксалди. Область партия ташкилоти омма ўртасида катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик қилларини амалга ошираборib, партия ташкилотлари, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг куч-ғайрати, талант ва шижоатларини КПСС XXIV съезди қарорларини ва партия Марказий Комитетининг Пленумларида белгилаб берилган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этдилар.

Беш йилликнинг ўтган уч йилида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигида давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар ошиғи билан бажарилди, кўплаб янги, йирик корхоналар, турар-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар ишга туширилди. Область саноатчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш уч йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча равишда 272 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалиги механизаторлари беш йиллик план ва топшириқларини бажаришда қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг уч йилида маҳсулотнинг асосий турларини етиштириш плани ошириб бажарилди. Бу давр ичида 1207 минг тонна пахта етиштирилди ва давлатга топширилди. Бу эса саккизинчи беш йилликнинг шу давридагига қараганда 178 минг тонна кўпдир. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3,8 центнер ошди. 4,8 минг тонна гўшт, 50 минг тонна сут, 210 миллион дона тухум кўп сотилди. Дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, узум, меванинг ялпи ҳосили ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирish ўсди.

Партия ташкилотлари омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб, идеологиянинг барча методлари ва шаклларидан кенг фойдаландилар. Агитация-пропагандининг, ғоявий-сиёсий тарбиянинг таъсирчан, ҳужумкор, сафарбар этувчи ва жанговар бўлишига алоҳида эътибор бердилар. Кадрларни ишчанлик, топширилган вазифага нисбатан юксак масъулият руҳида тарбиялаш, уларнинг экономикани эгаллашлари, марксча-ленинча таълимотни ўрганишлари ҳақида ғамхўрлик қилдилар.

Область партия ташкилоти ўтган уч йил мобайнида сон ва сифат жиҳатидан ўсди ва мустаҳкамланди. Партияга қабул қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Коммунист деган юксак номга эга бўлувчи ҳар бир кишига талабчанлик ва масъулият оширилди. Партия ички демократияси янада ривожланди. Партия ҳаётида ленинча нормаларга риоя қилинмоқда. Партия ҳужжатларини алмаштириш коммунистларда ва улар уюшган ташкилотларда сиёсий-меҳнат активлигини янада юксалтиришда катта восита бўлди.

Эришилган бу ютуқлар билан бирга ишимизда бирмунча камчиликлар ҳам бор. Айрим шаҳарлар ва районлардаги саноат корхоналарида моддий техника ва меҳнат ресурсларидан етарли фойдаланилаётгани йўқ. Баъзи корхоналарда фондлардан олинаётган самара пасайиб кетмоқда. Қора металлургия, химия саноати тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича директив топшириқлар бажарилмади. Ангрен, Олмалиқ ва бошқа шаҳар ҳамда районлардаги кўпчилик корхоналарда янги техникани жорий этиш планлари адо этилмади. Маҳсулотлар, айниқса, халқ истеъмоли буюмлари сифатини яхшилаш соҳасида қонқарсиз иш олиб борилмоқда. Капитал қурилишда жиддий нуқсонлар бор. Нотўғри планлаштириш, капитал маблағларни сочиб юбориш, ускуналарни ўз вақтида етказиб бермаслик, ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларни фойдаланишга топшириш муддатларини чўзиб юбориш, маблағлар ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган соҳаларга сарфлаш сингари ҳоллар рўй бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, айниқса, чорвачилик ва сабзаотчилик соҳасида мавжуд резервлардан ҳамон тўла фойдаланилаётгани йўқ. Гўшт, сут, тухум, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш аҳоли эҳтиёжларидан ҳануз орқада қолмоқда. Айрим бригадалар, колхозлар ва совхозларда деҳқончилик маданияти пастлиги, техника ва ўғитлардан қонқарсиз фойдаланилаётганлиги, сув хўжалиги қурилишни суръатлари талабга жавоб бермаётгани натижасида пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги илғор хўжаликларда эришилган даражадан орқада қолмоқда.

Идеология ишларида жиддий камчиликлар бор. Меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш бугунги кун талаблари, коммунистик қурилиш практикаси билан ўзвий боғлаб олиб борилаётир, деб бўлмайди. Кадрларнинг назарий ўқуви, атеистик пропагандаги жиддий эътибор бериш лозим.

Партиявий-ташкилий ишлар, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик, коммунистларни ғоявий тарбиялаш, қабул қилинган қарорларнинг юкрози учун кураш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтариш, жамоат ташкилотларига раҳбарлик, партия ички демократиясини мустаҳкамлаш сингари муҳим масалалар ҳамма партия ташкилотларида ҳам юксак савияда эмас.

Область партия конференцияси ўтган конференциядан буён қилинган ишларимизга якун ясаш билан бир қаторда бундан сўнгги вазифаларимизни белгилаб беради. Шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларининг асосий вазифаси КПСС XXIV съезди қарорларини ва тўққизинчи беш йилликнинг директив топшириқларини бажаришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларига, бу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, партия ташкилотининг экономикани янада юксак суръатлар билан ўсишини таъминлаш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб бораётган партиявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини янада ривожлантириш зарур.

Партия Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳамма ерда умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдиришимиз, партия ташкилотлари, шунингдек меҳнаткашлар оммасининг куч ва ғайратини беш йиллик план ва топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариб, республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйини муносиб кутиб олишга қаратишимиз керак. Шаҳар, район партия комитетлари бошланғич ташкилотларга раҳбарликни янада такомиллаштириб, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигида ишга солинмаётган резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш, беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йили топшириқларини тўла адо этиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари зарур.

КПССнинг ленинчи Марказий Комитети атрофига янада маҳкам жипслашган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида сиёсий ва хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариб келаётган Тошкент областининг партия ташкилотлари ва коммунистлари мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.



Партия ва ҳукумат раҳбарлари ўртоқ А. Н. Косигинга мукофотлар топширилиши пайтида.

А. Пахомов фотоси. («Правда»дан).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Ташкенткабель» заводи коллективи, СССР 50 йиллиги номидаги Сирдарё ГРЭСи, Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Ўзбекшахтострой» трести қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчилари коллективларининг беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда бу коллективлар кейинги йилларда олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш соҳасида анча иш қилганликлари таъкидлаб ўтилди.

Улар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб нишонлашга интилиб, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорликни кучайтириш асосида қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга қарор бердилар ва 1974 йил учун оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу социалистик мажбуриятларни маъқуллади. Область, шаҳар, район партия комитетларига, Ўзбекистон касаба Союзлари республика Советига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, министрликларга, идораларга мазкур коллективларнинг 1974 йил учун қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятлари муддатидан илгари бажарилишини таъминлайдилар ва севикли ватанимизнинг шуҳратини ошириб, тўқизинчи беш йиллик планини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

(Коллективларнинг социалистик мажбуриятлари газетамизнинг 4-бетида босилмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг «1974 йилда енгил саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарида, енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун ҳамда рўзғор асбоблари машинасозлиги министрлиги корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш суръатларини жадаллаштириш учун қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш тадбирларини қараб чиқди.

КПСС Марказий Комитети ўз қарорида таъкидлаб ўтганидек, енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, ҳамда енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлигида янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ қуриб, ишга тушириш ташаббускори бўлган Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР ва Донецк областидаги қурилиш ташкилотлари ҳамда корхоналарнинг коллективлари 1973 йилда олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар, планда кўзда тутилган қувватларнинг ҳаммасини ишга туширдилар. Бу қувватларнинг кўпи белгиланган муддатлардан олдин ишга туширилди.

КПСС Марказий Комитети оширилган мажбуриятларни қабул қилган ва 1974 йилда енгил саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарида, енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ва пухта ишга тушириш юзасидан берилган топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани бошлаб берган Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Қозоғистон ССР, Донецк, Иваново, Москва ва Ростов областлари қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчиларининг ташаббусини маъқуллади. КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари

(Давоми 4-бетда).

ОБЛАСТЬ XVII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ ШУНДАН ИБОРАТКИ, ҲАР ҚАЙСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ, ҲАР ҚАЙСИ КОММУНИСТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КУРАШНИНГ ЭНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА БЎЛИШИГА, ОММАНИНГ ЧИНАКАМ МУРАББИЙЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ, БАРЧА ЯНГИ ВА ИЛҒОР НАРСАЛАР УЧУН КУРАШУВЧИЛАР БЎЛИШИГА ЭРИШМОҚ КЕРАК.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

МАЪМУРЧИЛИК УЧУН



Ўтган йилнинг ноябрь ойлари эди. Партия комитети йиғилишида менн боғдорчилик бригадасига бригадирликка тавсия қилишди.

Бизнинг бригадага 55 гектар ер биркитилган. Бригада ишчиларининг деярли ҳаммасини хотин-қизлар ташкил этади. Тажрибали боғбон дугоналарим Қиммат Ҳайдарова, Туйғуной Қодирова, Мукаррам опа Бердиқулова, Қиммат Қодировалар билан бамаслаҳат ишни бошлаб юбордик. Токлар кўмилгач, қатор оралари ҳайдалиб, яхоб суви берилди.

Ҳар қандай илғор тажрибэ фан ютуқлари билан боғлаб олиб борилса, самарадорлик юқори бўлади. Менга берилган минбардан фойдаланиб, демоқчиманки, мутахассисларнинг ролини ошириш керак. Бизнинг бўлимда агрономлар тез-тез ўзгариб туради. Менимча бу нотўғри. Ишлаб чиқаришда агрономнинг роли катта бўлиши лозим.

Бригадамиз аъзолари эл дастурхонига ҳар йилгидагидан ҳам кўп мева, узум ва бошқа боғдорчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

С. ШОНАЗАРОВА,
1-«Оҳангарон» совхози 3-бўлимн боғдорчилик бригадасининг бошлиғи.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ЯНГИЛИК ҚАНОТ ЁЙСИН



Бундан икки йил илгари янги ерда ишлашга ўтган эдим. Механизацияга суяниб, илғорлар тажрибасини қўллаб янги ерда ҳам мўл ҳосил олиш тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Агар 1973 йилда ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил звеномизга биркитилган пахта майдонларидан олинадиган ҳосилдорликни 35 центнерга кўтариш учун курашамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Техникани кўкламга шай қилиб қўйганмиз. Ёрларимиз кузда сифатли шудгорланиб ҳайдаб қўйилган.

Бу йил совхозимизда 500 гектар ерга янги усулда икки қаторлаб чигит экилади. Биз звенода эса барча майдонларга ана шу янги усулда чигит экишни мўлжаллаб қўйдик. Узимизнинг устахонада мавжуд пахта сеялкаларини янги усулда экишга мослаб, қўйдик.

Ўтган йили машинада 160 тонна пахта терган эдим. Бу йил эса 200 тонна пахта теришга аҳд қилганман.

Барча майдонлардаги ғўзани машина теримига мослаб парвариш қиламиз. Экишга ҳамма нарса шай қилиб қўйилди. Об-ҳаво қулай келса, чигит экишни 16—18 апрелдан кечиктирмай тугаллаймиз. Шундай қилсак, барча майдонларда чигитни бир текис ва соғлом ундириб олиш учун шароит яратилади.

Мария КОВАЛЕВА,
«Бўка» совхозининг механизатор — звено бошлиғи.

ПАРТИЯМИЗ РЕЖАЛАРИ—



МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

✦ КПСС Марказий Комитетининг партияга, Совет халқига Мурожаати барча қишлоқ меҳнаткашларининг, ишчи-хизматчиларнинг дилида қизғин акс садо берди. Партия даъватига жавобан меҳнат илғорлари социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб меҳнат қилишмоқда. Улар дилида бир улуғ ният — беш йилликни тўрт йилда бажариш истаги яшамоқда. Областимизда ҳам ажойиб меҳнат қаҳрамонлари бор. Улар бутун куч-ғайратини меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш йўлида сафарбар этишмоқда.

Областимизнинг бир гуруҳ меҳнат илғорлари яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга сазовор бўлдилар. Суратда: ана шу меҳнат баҳодирларини кўриб турибсиз. (Ўнгдан) Чирчиқ электрохимия комбинати бригадири Д. Шерчибоев, Чирчиқ шаҳар 160-трест экскаватор машинисти Т. Турдиалиев, Бекобод металлургия заводи прокат цехининг мастери С. Нуриддинов, Қўйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизатори Э. Алиев ва Ленин ордени кавалери Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг механизатори Қ. Мавлоновлар. Улар янги режалари тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

МЕҲР

ҚАНИШ опа эшикдан кириб келаётган Эргашни кўриб, шошилиб қолди:

— Вой, онанг ўргулсин, бормисан, кутаверіб кўзларим тўрт бўлиб кетди-ку!

Она ўғлининг елкасидан қайта-қайта кучарди:

— Келганимга ҳали бир ой ҳам бўлмади-ку!

— Онанинг ҳаёли боладa, боланинг ҳаёли кўчада, деганлари шу-да, — ўпкаланиб деди она. Уйга кир, нининг ўтабой ҳозир далада келиб турувди.

Ака-ука қучоқ очиб кўришишди.

— Дарагинг йўқ, онам сўрайверадилар, бу якшанба келмасанг эртага ўзим Олмаликка бориб келмоқчи эдим.

— Иш кўп, — ҳижолат бўлди Эргаш.

— Майли, бошинг омон бўлса, бас, — дерди она. —Одам соғинади-да. Келганинг қандоқ ярашиб турибди. Айтганча яна катта йигитга борадиган бўлибсанми?

— Қанақа йигит, — ҳайрон бўлди Эргаш.

— Олдинги ҳафтада акам келганди, — гапга қўшилди Ўтабой. Сени область партия конференциясига делегат бўлиб сайланганингни айтувди.

— Омон бўл, болам, элнинг назаридан тушма. Отанг раҳматлик бўлганида қандоқ ҳурсанд бўларди.

Она шундай деркан, кўзида ёш гилт этди.

Эргаш шу ерда — Бўка районидаги Ленин номли колхозда туғилиб ўсган. Ҳали ёшига тўлмасдан онаси вафот этди. Олти ёшида отадан ажраб, икки ўғил бир қиз бўлиб қолганда ён қўшниси Қаниш опа билан эри Сафар ака «Отаси борида кўздек қўшни эдик. Энди бизникида туришаверади», деб паноҳларига олишди.

Она қалби феруза осмондек бегубор, тафти қўшдек иссиқ. У балки Қаниш опанинг ана шу беғуборлиги, болажонлиги учун ўз онасидек севиб қолган. Шу ерда бегубор ёшлигини ўтказди. Шу ҳовлига келса қалби саҳийлик, муҳаббат ҳислари билан тўлиб тошаётгандек бўлади. Ундаги меҳнатсеварлик, Қаниш онанинг қалбидан унинг қалбига сингандир.

Эргаш мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ техникага ишқибоз эди. Мактабни битиргач, Олмаликдаги конметаллургия техникумида ўқиди. Техник-механик дипломини олгач, кон-металлургия комбинатида, аввал пармалаш станогида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлади. Ишлаб юриб машинистлик курсида ўқиди. Сўнг икки йил машинист ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1966 йилда машинистлик вазифасига тайин этилди. 1969 йилдан бери машинист-бригадир вазифасини шараф билан бажариб келмоқда. У техника сирларини чуқур эгаллаш билан бирга жамоат ишларида актив қатнашади.

Коммунист Эргаш Пўлатов область партия комитетининг аъзоси, у КПСС нинг XXIV съездига делегат бўлиш шарафига мулассар бўлган. Ана шу коммунистларнинг улкан кенгашида машинист бригадири Эргаш Пўлатов КПСС Марказий Комитетининг ревизия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Эргаш Пўлатов бошлиқ бригада комбинатда биринчилар қаторида беш йилликни тўрт йилда бажаришга отланган коллективлардан бири. У бошлиқ бригада доимо планларни ортиғи билан адо этиш билан бирга ички резервларни қидириб топиб, улардан унумли фойдаланади.

Эргаш диспетчердан сменада қанча тоғ жинси қазиб чиқарилганини сўради.

— 1600 кубометр,— жавоб берди диспетчер.

Чамаси тўғри чиқди. Бугун кон ишчи, инженер-техник ходимларнинг йиғилиши бўлади. Ўшанда ҳамма гапни айтади.

Зал одамлар билан лиқ тўлган.

— Менда шундай таклиф бор —минбарга чиққач, гап бошлади Эргаш Пўлатов.— Бир ҳафта бўляпти, экскаваторларимиз ортаётган тоғ жинси икки минг кубометрдан ошмаяпти. Бир состав дункерларни тўлдиришга бир соат, баъзан ундан ҳам ортиқ вақт кетмоқда. Аслида эса нормада эллик минут берилган. Сабаби тоғ жинслари сифатли портлатилмаяпти. Натижада экскаваторлар катта тошларни ололмаяпти. Агар тошлар яхши майдалаб берилса, ҳар бир составга юк ортишдан ўн минут, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ютиш мумкин. Бу —ўрта ҳисобда кунлик нормани 120 процентдан ошириб бажариш, демакдир.

Эргаш ўз таклифини айтиб, минбардан тушиб кетди. Кимдир «отангга балли» деди, кимдир «омилкор йигит-да», деб қўйди. Орадан бир-икки кун ўтгач, самара ўзини кўрсатди..

— Хаёлга чўмиб кетдинг, —гап қотди Ўтабой.

— Ўзим, шундай,— айтганча онамга қўйлаклик олиб келгандим.

— Вой-бўй, бунча чиройли, овора бўлибсан-да, болам. Мен энди ёш бўлармидим.

— Ҳар қанча қилсак арзийди...

Она ва ўғилларнинг севинчлари ичига сиғмасди.

Б. ПЎЛАТОВ.

РАЙКОМ ВА ПАХТАЧИЛИК

ПАХТАЧИЛИК — районимиз халқ хўжалигида етакчи тармоқ ҳисобланади.

Деҳқонларимиз КПСС XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган тарихий Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ қила борнб, ҳосилдорликни бирмунча кўтаришга эришдилар. Ўтган йили давлатга 37 минг 362 тонна пахта, дон ва бошқа қишлоқ маҳсулотлари топширилди. Ҳосилдорлик 31,2 центнерга кўтарилди. Давлатга кўплаб уруғлик пахта етказиб бердик. Машина теримининг салмоғи ортди. Бу эришилган ютуқлар ҳар бир меҳнаткашнинг ҳар бир коммунист, ҳар бир коллектив аъзоларининг ишга тўғри ёндошганлиги, масъулиятни чуқур ҳис қилганлиги, партия ташкилотларининг ташаббускорлиги мевасидир.

Машъал хўжалик «Коммунизм» колхозида пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнерга етказиб ҳосил олиниб, Назарали Нигзов номли, «Ленинизм», Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларда ҳам ҳосилдорлик 32—36 центнерга етди. Пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам сезиларли юксалмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланиб, бу йил 40 минг тонна пахта йиғиб-териб олишга, ҳосилдорликни 35 центнерга кўтаришга аҳд қилдилар. Бу бизнинг республикамизнинг олтин тўйнга совғамиз бўлди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун район партия комитети қандай тадбирларни кўрмоқда.

Энг, аввало, биз коммунистлар актнвлиги ва ташаббускорлигига суянамиз. Дарҳақиқат, партия ташкилотининг кучи ҳам шундадир. Ҳозир районимиздаги 1800 дан ортиқ коммунистлар бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлиб, уларнинг 500 дан ортиғи ўз шахсий мажбуриятига эга. Беш йилликни тўрт йил ичида бажариш учун курашмоқдалар. Бундан ташқари 13 та звено, 21 бригада, 4 та участка ва 3 та колхоз беш йиллик планни тўрт йилда бажариш учун муқобил планлар қабул қилдилар.

Район партия комитети ўз пленумлари, бюро мажлисларида колхоз ва совхозлардаги партия йиғилишларида тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йили учун олинган пахта ҳосилини етиштириш учун курашда ҳар бир ишни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш барча партия, комсомол, жамоат ташкилотларини, пропагандистларни бу курашга жалб этиш соҳасидаги вазифаларини бир неча бор муҳокама қилди. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг ишини яхшилаш, меҳнаткашларни ғолвнй снёсий тарбиялаш, дала шийпонларида намунали маданий-маиший шароитларни вужудга келтириш, халқ контроли группалари ишини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мавжуд имкониятлар ва резервлар аниқ ҳисобга олиниб, камчиликларни аниқлаш ва уларни тугатиш район партия ташкилотининг иш услуби бўлиб қолди. Район партия комитети ўз фаолиятида илғор тажриба ва фан ютуқларига кўпроқ суянмоқда. Бу йил эллик процент майдонга, келгуси йилда эса 100 процент майдонга кенг қаторлаб ва уяларга аниқ чигит ташлаб экиш усулини қўллаймиз. Шуннигдек, бу йил 1200 гектар ерга чигит икки қаторли усулда экилади.

Пахтачиликдаги илғор тажрибаларни кенг ёйиш мақсадида «Коммунизм» колхози базасида тажриба мактаби ташкил этилди. Бу мактабнинг ректори ҳам шу колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, пахтачилик устаси Маҳмуд Исматов тайинланди. Районда пахтачилик бўйича Советга эса илғор пахтакор Ўсар Жўраев раис қилиб тайинланди.

Пахтачилик совети ва илғор тажриба мактабларидаги машғулотларда кўпроқ резервлардан унумли фойдаланишга эътибор берилади. Шубҳасиз резервлар йўқ эмас. Ленин номли, Калинин номли, «Партия XXI съезди», Фрунзе номли, Жданов номли колхозларда ҳосилдорлик районнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди. 30 га яқин бригадаларда эса ҳосилдорлик 25 центнерга етар-етмас бўлиб қолди. Партия ташкилотлари коммунистларнинг асосий эътиборини бу йил ана шу колхоз ва бригадаларда ҳосилдорликни кўтаришга қаратмоқда. Ана шу мақсадда илғор, юқори ҳосилли колхозлар ва бригадалар билан ҳосили паст, қолоқ колхоз ва бригадалар ўртасида мусобақа ташкил этилади. Социалистик мусобақа да пешқадамлик қилаётган бригадаларнинг дала шийпонида кўргазмали йиғилишлар ўтказилади. Бу йиғилишларда ютуқлар тилга олинишн билан бирга камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Мусобақа илғорлари ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

Шу йилнинг 15 февралидан бошлаб хўжаликлар ўртасида ўтказилган ўзаро текшириш ва унинг якунлари кенг колхозчилар оммаси иштирокида муҳокама этила бошланди .Ана шу йиғилишларда янги йил белгиланган мусобақа шартлари ҳам имзоланади.

Район партия комитети пахта етиштириш ва ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай барвақт йиғиб-териб олишда механизатор кадрларнинг роли катта эканлигини ҳисобга олиб, январь—февраль ойлари давомида Ленин номли, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозлар, Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида «Узсельхозтехника» район бирлашмаси қошида механизаторлар курси очди. Бу курсларда 110 дан ортиқ ёшлар билим олмоқдалар, ўз малакаларини оширмоқдалар.

Биз бу йил барча колхозларда Баходовск район тажрибаси асосида механизаторларга комплекс равишда техника хизмати кўрсатилиши учун зарур тадбирлар кўрамиз. Бу тажрибанинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, хўжаликларда майда ва запас қисмлар сақланадиган омборларни тугатиш, айниқса бир неча йиллардан буён йиғилиб қолган кераксиз эҳтиёт қисмларни тугаллаш ҳамда техникадан юқори унум билан фойдаланишда катта роль ўйнайди. Эндиликда хўжаликларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлашдек муҳим вазифани «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ўз зиммасига олади. Бундан буён техника хизмати марказлашган оператив ҳолда рационал ориентир пунктидан туриб бошқарилади. Бу тадбирларни амалга оширишда район даги СААМЭ, САМИС, ГОСНИТИ ва «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг илмий-техник ходимлари катта ишларни бажармоқдалар.

Мўл ҳосил учун кураш тобора қизғин тус олмоқда. Далаларга чиқариш учун 39.141 тонна маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйилди. 11971 гектар ерга 26051 тонна маҳаллий ўғит ва суперфосфат солиб ҳайдалди. Катта майдонлардаги бегона ўтларнинг илдизлари териб олинди. Баҳорда бу ишлар яна давом эттирилади.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Ана шуни ҳисобга олиб биз колхозлар, бригадаларни етук мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам бу йилги вазифаларимиз улуғ. Лекин лаббай ҳалол деҳқонларимизнинг бу марраларни эгаллашлари учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши қишлоқ аҳлининг ишга ижодий муносабатда бўлишига, масъулият туйғуси ва интизомига боғлиқдир.

А. П. АЛИМОВ,
Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари.





СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ЮБИЛЕЙГА СОВҒАМИЗ



РАЙОНИМИЗ ташкил топганига ҳали бир йил ҳам вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган йили қўлга киритилган меҳнат зафарлари қувончлидир. Район хўжаликлари 1973 йилда давлатга 30,9 минг тонна ўрнига 33,2 минг тонна пахта етказиб бериб, областимиз улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшди. Ҳар гектар ердан ўртача 31,4 центнердан хирмон кўтарилди. Бир қатор колхозларда ҳосилдорлик район ўртача кўрсаткичидан ҳам анча юқори бўлди. Донгдор пахтакор Турсуной Охунова бошлиқ бригада ўтган йили гектарлардан 50 центнердан хирмон уйди. Район бўйича 7 та бригада 40—45 центнердан ошириб ҳосил олди.

Азамат механизаторларимиз яхши меҳнат қилишди. Ялпи ҳосилнинг 65,3 процснти ёки 21 минг 800 тонна пахта машиналарда териб олинди. Бир қатор хўжаликлар ҳосилнинг деярли 70—80 процентини «зангори кема»ларда териб олдилар. Ўз агрегати билан 300 тоннадан зиёд «оқ олтин» терган Турсуной Охунова, 120—200 тонна пахта терган Сарвар Шохбозов, Раимбой Акромов сингари моҳир механик-ҳайдовчиларнинг меҳнат жасорати барчамизни қувонтиради.

1974 йил ҳосилига пухта замин яратиб қўйган чинозликлар бу йил—республикамиз олгин тўйи нишонланадиган йилда она-Ватанга 29940 тонна пахта, 6200 тонна канап, 7805 тонна сут, 1730 тонна гўшт, 1345 тонна ғалла, кўплаб миқдорда пилла, мева, сабзавот ва бошқа саноат-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотадилар. Районимиз меҳнаткашлари партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдириб, республикамиз олтин тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оладилар. Ватанни янги меҳнат зафарлари билан қувонтирадилар.

Мамлакат РАҲИМЖОНОВА,
Чиноз район партия комитетининг секретари.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ



Механизация билан дўстлашганимга йигирма йил бўлиб қолди. Ўшандан буён колхозимизнинг А. Нурматов бошлиқ бригадасида меҳнат қилиб келмоқдаман. Ҳамкорликда ишлаб, фан, тажриба ютуқларидан кенг фойдаланиб, механизацияга суяниб йилдан-йилга ҳосилдорликни кўтаришга муваффақ бўлмоқдамиз. Агар 1971 йилда звеномизда ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1972 йилда ҳосилдорлик 38 центнерга, ўтган йили эса 40 центнерга кўтарилди. Ҳар йили машинада 100—110 тоннага етказиб пахта термоқдаман.

Биз коммунистлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаймиз. Партиямиз бизни ана шунга даъват этади. Конференция арафасида звеномиз аъзоларн билан маслаҳатлашиб, имкониятларимизни чамалаб кўрдик. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилдик. Ўзим эса машинада 150 тонна пахта тераман.

Ҳозир ҳамма нарса кўкламга шай қилиб қўйилди. Кунлар илиш билан ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқаришни кучайтириб юборамиз.

Э. БЕГИМҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА



«БИЗ эртага бугунгидан яхшироқ ишлайдиган бўлсак, у ҳолда, бизнинг планларимиз бажарилибгина қолмай, балки, оширib бажарилади ҳам», дейилади КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида.

Мен ҳам асосан шундай йўл тутаман. Ҳар куни иш тугагандан сўнг бугун қандай ишладим, эртага яна қандай иш қилишим мумкин, деб ўз-ўзимга савол бераман.

Совхозимиз паррандабоқарлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида давлатга бир миллиондан ошиқроқ тухум сотишди Ҳар бир куркадан салкам 80 тадан тухум олинди. Давлатга йил давомида 200 тонна гўшт сотиш планлаштирилган бўлса, 220 тонна гўшт армуғон этилди. Мен йил давомида ҳар бир куркадан 85 тадан тухум олдим. 43 тонна ўрнига 50 тонна гўшт топширдим.

Бу йил совхозимиз паррандабоқарлари ҳар бир куркадан 82 тадан тухум олишга ва 220 тоннадан знёд гўшт топширишга ваъда беришди. Мен ўз имкониятларимни ҳисоблаб чиқиб, ҳар куркадан 100 тадан тухум олиш, 50 тоннадан знёд гўшт топшириб ,ҳар бир килограмм гўштнинг таннархини 40 тийиндан камайтиришга аҳд қилдим.

Т. ЭРКАМОВА,
Оржоникидзе районидаги «Химик» паррандачилик совхозининг паррандабоқари

ОБЛАСТЬ XVII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ОЛДИМИЗДА КЎПГИНА МУРАККАБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШЛАР ТУРИБДИ. ЛЕНИН ПАРТИЯСИ МАҚСАДГА ЭРИШИШ ИУЛИДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ УТИШГА ҚОДИР ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ИЖОДИЙ КУЧ-ҒАЙРАТИГА АСТОЙДИЛ ИШОНАДИ. БИЗНИНГ МАҚСАДЛАРИМИЗ ЭСА, ВАТАННИ ГУЛЛАБ-ЯШНАТИШ, БАРЧА СОВЕТ ҚИШИЛАРИНИНГ ФАРОВОН ВА БАХТЛИ БУЛИШИНИ КУЗДА ТУТГАН ОЛИЖАНОБ ВА ИНСОНПАРВАР МАҚСАДЛАРДИР.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан.

ИСТИҚБОЛ ПРОГРАММАСИ



КАЛИНИН районидаги Оржоникидзе номли колхоз теплица комбинати ходимлари беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йилининг биринчи кварталида шаҳарликларга 50 тонна помидор ва 3 тонна укроп, редиска, петрушка ва бошқа кўкатлар етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда теплицанинг секциялари да баҳор нафаси уфуриб турибди. Суратда: (чапдан) комбинатнинг илғор ишчиси Турсуной Жамилова ва Мавжуда Содиқовалар эртаги карам кўчатини кўздан кечиришмоқда.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД ҚУДРАТЛИ КУЧ

ТУҚҚИЗИНЧИ беш йилликнинг тўртинчи йили улкан воқеаларга бой бўлмоқда. Она-Ватан бўйлаб бунёдкорлик меҳнати қанот ёзган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йилда деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати бутун совет халқининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди.

Хўжалигимиз коллективи ҳам умумхалқ ҳаракатига қўшилиб беш йиллик планни муддатидан илгари адо этиш учун бор куч-ғайратларини янги мавсумга тайёргарликка қаратишган. Далаларда, ремонт устахонасида, чорва фермасида меҳнат кун сайин қизиб бормоқда.

Коллективимиз аҳли яқинда тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун мукобил план қабул қилди. Шу жумладан ҳар гектар ердан пландаги 27 центнер ўрнига 42 центнердан пахта, 210 центнердан каноп пояси, 70 центнердан шоли, 70 центнердан маккажўхори дони, 600 центнердан маккажўхори пояси олишга сўз бердик. Албатта бундай юқори ҳосил кўтариш учун асос бўлиши керак. Партия ва ҳукуматимизнинг социалистик мусобақани кенг авж олдириш тўғрисидаги қарори партия ташкилотида муҳокама қилинди. Коммунистлар қатор таклифлари билан чиқишди. Моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, деҳончилик маданиятини ошириш, комплекс механизацияга катта аҳамият бериш юзасидан янги-янги тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бу тадбирларни амалга оширишда коммунистлар авангардлик қилишмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист И. Ким бошлиқ бригада коллективи 64 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 27 ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтариш ниятида. Коммунист Ҳасан Азизхўжаев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари эса ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Хўжалигимизда 10 та далачилик бригадаси бор. Шулардан 7 тасини коммунистлар бошқармоқда. Бу бригадаларда техника тўла ремонтдан чиқарилган, экин майдонлари мавсумга тахт қилиб қўйилган. Маҳаллий ва минерал ўғит чиқариш давом этмоқда.

Қ. ПЕРШЕЕВ,
Қўйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхози партия ташкилотининг секретари.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ОММАГА

КПСС XXIV съезди томонидан халқ хўжалигимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришда кадрларга иқтисодий билим бериш тинмай яхшилаб бориш катта аҳамиятга эгадир.

Шаҳар, саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарида ташкил этилган иқтисодий мактаблар, коммунистик меҳнат мактаблари, малака ошириш курслари, иқтисодий билимлар халқ университетларида ҳозирги кунда 20 минг 250 киши ўзининг иқтисодий билим асосларини мустаҳкамламоқда. Бу мактаб ва тўгаракларда 542 малакали пропагандист машғулот олиб бормоқда.

Кўпгина партия ташкилотлари кадрларга иқтисодий билим беришда анча бой тажриба тўпладилар. Бу жиҳатдан қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

Иқтисодий ўқувнинг корхона ишлаб чиқариш ҳаёти билан боғлаб олиб борилиши меҳнат активлигини оширмоқда. Ўтган йили саноат корхоналари бўйича маҳсулот тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 7,1 процентга ошрилди. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатлари тобора кенг қулоч ёймоқда. 233 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 300 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди ,шунингдек, 2260 минг киловатт-соат электр энергия, 1580 минг кубометр табиий газ, 199 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежалди.

Комбинат металлургларн тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун мукобил план қабул қилдилар. Улар бу планга мувофиқ йиллик планни 26 декабрда бажариш, пландан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини кескин яхшилашга аҳд қилдилар.

Чирчиқ металлургларн Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги шарафига 1974 йилни ўн икки зарбдор ой деб эълон қилдилар. Бу ташаббус бошқа корхоналарда ҳам ёйилмоқда. «Ўзбекхимаш» заводида ҳам кадрларга иқтисодий таълим, беришга катта эътибор берилаётир. Бу завод коллективи 1974 йилда пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакатимиздаги химия корхоналари учун 55 та химия аппаратларини муддатидан бир ой илгари етказиб беришга сўз берди.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш бошқармалари ва қатор ташкилотлар партия комитетлари иқтисодий ўқувни намунали ташкил этиб, бунёдкор ишчи, инженер-техник ходимларни меҳнатга, социалистик мулкка онгли ва коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга, ана шу асосда резервлар ва имкониятларни кўплаб ишга солиб, илғор тажрибаларни кенг жорий этишга бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар.

М. МИРАЗИМОВ,
Чирчиқ шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Давлат план топшириқларини, социалистик мажбуриятларни ўз вақтида кўнгилдагидек бажаришда трестимиз коллективи фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бешинчи йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планига қўшимча 650 минг сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Ўз кучимиз билан пландаги 14 миллион 206 минг сўмлик ўрнига 15 миллион 588 минг сўмлик иш бажардик, ёки план 109,7 процентга етказилди.

Трестимиз коллективи «Главташкентстрой» системасида кўп профилли қурилиш ишларини бажаради. Ўтган йили 91100 минг квадрат метр уй-жой, шунингдек, 2992 ўринли мактаб, 1680 квадрат метр ҳажмда болалар муассасалари, 21 та бошқа хил объектлар фойдаланишга топширилди.

Бизда кадрларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аралаш касбларни ўрганишларига алоҳида эътибор берилмоқда. 600 дан ортиқ киши янги касбларни ўрганди, жумладан, юзга яқин ишчи араллаш касбни эгаллади.

Маълумки, «Главташкентстрой» коммунист, Ленин ордени кавалери, комплекс бригада бошлиғи Тўлқин Саминов биринчи бўлиб Н. Злобин методи асосида ишдашга ўтган эди. Ҳозир шундай бригадалар сони олтитага етди. 8-қурилиш бошқармасида Х. Абдураҳмонов, 9-қурилиш бошқармасида В. А. Петров бошчилиқ қилаётган бригадалар шулар жумласидандир.

Трестимиз коммунистлари Октябрь районида биринчи бўлиб партия ҳужжатларини алмаштирдилар. Партия ҳужжатларини алмаштириш пайтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, 8-қурилиш бошқармаси газэлектр пайвандчилар бригадасининг бошлиғи И. В. Просолов беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган эди. Кейинчалик бу бригада аъзолари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилишди. Н. Содиқов, Х. Ғалиев, А. Юсупов, А. Янушкевич, В. Қоқашинский каби коммунистлар бошлиқ комплекс бригада аъзолари ҳозир 1974 йилнинг иккинчи ярим йили ҳисобига ишлашяпти.

Е. П. КИРИЕНКО,
«Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести бошқарувчиси.

Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг Киров районидаги 218 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 10280 коммунист бор. Коммунистларнинг аксарияти ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилиб моддий бойлик яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўз навбатида район партия комитети бошланғич цех партия ташкилотларининг, партия группаларининг жанговарлик қобилиятини ошириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Кейинги йилларда янгидан 23 та партия группаси ва 31 та цех партия ташкилоти тузилди. Район партия комитети уларга таяниб корхона ва ташкилотларда ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиш, план ва топшириқларни муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш учун курашмоқда. Мусобақа — ҳамма ерда омманинг жонли ижоди сифатида қудратли куч бўлиб қолди. Мухбиримиз район партия комитетининг биринчи секретари Г. Ҳайдарова билан суҳбатлашиб, мусобақани ташкил этиш соҳасида қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Мусобақа коллективларнинг умумий юксалишини таъмин этувчи муҳим омилдир, — дейди ўртоқ Ҳайдарова, — уни ташкил этиш партиявий-ижодий ишдир. Мусобақа барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини зиммага олинган план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Шу туфайли ҳам районимизда беш йилликнинг уч йили бўйича саноат маҳсулотларини реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш планлари муддатидан анча илгари бажарилди. Пландан ташқари 10 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди. Моддий бойлик яратувчи асаматларимиз беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планини муддатидан анча илгари адо этдилар.

Ўтган йили пландан ташқари 4 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинди. Уч йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17,3 процентга кўпайди.

Айниқса, «Узбекэнергоремонт» корхонаси, «Промсвяз» заводи, трикотаж фирмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, тамаки фабрикаси, 4 ва 7-босмахоналарнинг коллективлари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бу корхоналарда коммунистларнинг авангардлик роли ҳар соҳада сезилиб туради. Партия ташкилотлари мусобақа ялқорларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Район партия комитети ўзининг бюро йиғилишлари, пленумлари, актив йиғилишларида барча корхоналар партия ташкилотларининг социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасидаги тажрибалари ҳақидаги ҳисоботларини эшитиб туради. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш, техника тараққиётини тезлаштириш юзасидан тадбирлар кўради.

Ўтган уч йил давомида саноат корхоналарида техника тараққиётини тезлаштириш юзасидан 580 та йирик тадбир амалга оширилди. Кўплаб автомат, поток-механизация линияларн ишга туширилди, янги-янги машиналар, ускуналар ўзлаштирилди.

Социалистик мусобақа ана шу тарзда янги мазмун, янги шакллар билан бойиб бормоқда. Ҳозирги пайтда бу мусобақада райондаги 85 меҳнат коллективи иштирок этаётир. 19 мингдан ортиқ киши, 849 бригада, 105 цех участка ва бўлимлар коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқдалар.

Жуда кўп саноат корхоналари коллективлари беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йили учун мукобил планлар қабул қилдилар. Дастлабки кунлардан бошлабоқ коммунистларнинг асосий эътибори ана шу планларнинг ўз вақтида ва муддатидан илгари бажарилишига қаратилмоқда.

Районимиз коммунистлари беш йилликнинг тўртинчи йили учун олинган план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

АКТИВЛАРГА ТАЯНИБ

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА



Корхонамиз коллективи умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, яқинда мукобил план қабул қилди. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи тўртинчи йилида пландан ташқари 100 тонна озиқа ачитқиси, 20 тонна озиқ-овқат углеродкислотаси, 20 минг декалитр спирт, 20 минг гекокалория буғ етказиб бериш яъни пландан ташқари 220 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга ва ишлаб чиқариш унумдорлигини 4,1 процентга оширишга аҳд қилишди. Ўтган йили заводимиз аҳли йиллик пландан ташқари 45 минг сўмлик, кейинги уч йил ичида эса 119 минг сўмлик ошиқча маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Корхона партия ташкилоти коммунистларнинг ҳар соҳада авангард бўлишлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўпроқ ҳисса қўшишлари учун доимо курашиб келмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти бу йил мени оҳак-туз моддаларн тайёрлаб бериш участкасига катта мастер қилиб ўтказди. Маълумки, корхона ишлаб чиқарётган маҳсулотларнинг асосий қисмига оҳак-туз моддалари қўшилади.

Шу муносабат билан бошланғич партия ташкилоти бу зарур участкада ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаб бориш масъулиятини менга юклади. Партия ташкилотининг ишончини оқлаш учун активларга таянган ҳолда бутун куч ва билимимни ишга солмоқдаман. Тўққизинчи беш йилликнинг бир ярим ойи давомида биз корхонанинг асосий цехларини оҳак-туз моддалари билан узлуксиз таъминлаб бордик.

В. ИБОЛДОВ,
Янгийўлдаги биохимия заводининг участка бошлиғи.

ПАХТА, ГЎШТ ВА СУТ ЕТИШТИРИШНИНГ УСИШИ (тонна ҳисобида).



ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИНГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўртоқ А. Н. КОСИГИН нутқи

(Боши 1-бетда).

Ҳурматли ва азиз ўртоқлар, муътабар мукофотлар, табрикнома учун, шунингдек Николай Викторович Подгорнийнинг менинг шаънимга айтган дўстона сўзлари учун КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий Бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ғоят чуқур ва самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Етмиш ёш — инсон ҳаётидаги шундай бир марраларки, бу маррада туриб кечирилган йилларнинг маъносини беихтиёр ўйлайсан, киши. Энг муҳим маъно тўғрисида қисқа қилиб гапирганда, улуғ ленинчи партиямизнинг барча аъзолари каби мен учун ҳам бу — социалистик ватан манфаатларига хизмат қилишдан, коммунистик идеалларни амалга ошириш учун олиб борилаётган кўрашда одамларга фойдали иш қилишга доимо интилишдан иборатдир.

XX асрнинг етмишинчи йилларида ўзининг етмиш йиллигини кутиб олаётган совет кишилари авлоди буюк тарихий воқеалар йўлини босиб ўтишга мушарраф бўлди.

Бу йўл — туб социал ўзгартишлар даври, социалистик тузумнинг вужудга келиши ва қарор топиши даври, чуқур социал-иқтисодий ислоҳотлар даври, коммунизм қурилиши даври бўлди.

Бу — келажакка олиб борадиган ва инсоният ҳали синаб кўрмаган қийин йўл бўлди, кураш ва машаққатли синовлар йўли бўлди, Ленининг қаҳрамонона партияси бизни шу йўлдан галаба сари бошлади.

Социалистик тузумнинг зафарли юриши совет кишиларининг юксак маънавий-сиёсий фазилатларини, уларнинг ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги принципиал жиҳатдан янги тасаввурларини шакллантирди.

Совет киши учун олий бахт-саодат ўзининг шахсий манфаатлари доираси билан чекланиб қолмайди, бу бахт-саодат ўзининг ижтимоий ролини, ўзининг социалистик жамият манфаатлари билан бирлигини англаш тушунчасига мос келади.

Кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиз сиёсий, социал, иқтисодий соҳаларда, партиямизнинг XXIII ва XXIV съездларида қабул қилинган ленинча тинчлик ва коммунизм қурилиши программасини амалга оширишда янги улкан муваффақиятларга эришди.

Кейинги ўн йил мобайнида партиямизда, унинг Марказий Комитетида ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий Бюрода қарор топган ғоявий бирлик, ўртоқларча ишонч, юксак талабчанлик ва партиявий принципиаллик муҳитида ана шу муваффақиятларга эришиш кўп жиҳатдан мумкин бўлиб қолди.

Менинг фаолиятимга юксак баҳо берилганлиги учун миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини айтиш билан бирга, менинг зиммамга партия юклаган бутун масъулиятни, улуғ халқимизнинг ишончини чуқур англаб турганлигимни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари, Сиёсий Бюро аъзолигига кандидатлар, Марказий Комитет секретарлари ўртоқ А. Н. Косигинни туғилган куни билан, ҳамда Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилганлиги билан самимий табриклайдилар, унга сиҳат-саломатлик, унинг коммунистик партия, совет халқи бахт-саодати йўлидаги самарали фаолиятида катта муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига бу ташаббусни қўллаб-қувватлашни ва қурувчиларнинг социалистик мусобақасини ўтказиш соҳасидаги ташкилотчилик ишида саноатнинг ана шу тармоқлари ва енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарида янги қувватларни қуриш ва муддатидан илгари ишга туширишни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришни ва бу соҳада Москва шаҳри, Белоруссия, Молдавия, Донецк области партия ташкилотлари тўплаган тажрибадан фойдаланишни тавсия этди.

Республикамизнинг қурилиш, монтаж ташкилотлари ва корхоналари 1973 йилда Москва шаҳри, Белоруссия, Молдавия ва Донецк областидаги қурилиш ташкилотлари коллективларининг меҳнатдаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва аҳолига товар ишлаб чиқарувчи корхоналарни тезроқ қуриб ишга туширши учун мусобақани кенг авж олдириб юбордилар, ана шу муҳим ишда анча катта натижаларга эришдилар.

Бухоро шаҳридаги ип газлама комбинати, Гулистондаги тикувчилик фабрикаси, Қўқон шаҳридаги хром-чарм заводи, Тошкент шаҳридаги чинни идишлар заводи, пойафзал, тикувчилик ва парфюмерия фабрикалари, Навоий, Тахтакўпир ва Чортоқда пахта тозалаш заводлари, Марғилондаги «Атлас» фирмаси, Қарши, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидаги гўшт комбинатларида, Бухоро, Термиз ва Амударё шаҳарларидаги сут заводларида янги қувватлар ишга туширилди ва бу корхоналар маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Йиллик планда кўзда тутилган Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи ва енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлигига қарашли «Коммунар» заводида янги қувватлар ишга туширилди.

Бухоро ип газлама комбинатининг биринчи навбатини қисқа муддатларда қуриб битказиб ишга туширганликлари учун қурувчилар, монтажчилар, ишлатувчилар, ҳуллас, бу ишоотнинг ҳамма қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрикномасига сазовор бўлдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: айрим партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари саноатнинг мазкур тармоқларида янги корхона ва янги қувватлар қурилишини кучайтириш ва уларни тезроқ ишга тушириш юзасидан кўрган тадбирлар айрим ҳолларда етарли бўлиб чиқмади. Бунинг натижасида ўтган йили Денов мой-экстракция заводи ва Муғлон пахта тозалаш заводи, Қибрайдаги пиво ва алкоголсиз ичимлик комбинати ва бошқа корхоналар ишга туширилмай қолди, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона областларида саноатнинг шу тармоқларидаги қурилишларга ажратиб берилган капитал маблағлардан тўлиқ фойдаланилмади. Қурилиш Министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой» ва «Минмонтажспецстрой» шу соҳалардаги айрим қурилишларда қурилиш-монтаж ишлар планини бажармади.

Енгил саноат, пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати министрликлари, «Узглавснаб» қурилишларни машина-ускуналар ва махсус материаллар билан таъминлаш, ишга туширувчи кадрларни тайёрлашга доир баъзи масалаларни оператив тарзда кўнгилдагидек ҳал этмаётирлар. Бу эса айрим жойларда янги қувватларни ўз вақтида ишга туширишга ва уларни нормативда белгиланган муддатларда ўзлаштиришга ҳалақит берди.

Айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари аҳолига керакли товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланмадилар, ана шу муҳим ишда хўжалик раҳбарларига олдига жиддий талабларни қўймадилар, қурилиш ва корхоналардаги «Коммунар» заводида янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришни ва бу соҳада Москва шаҳри, Белоруссия, Молдавия, Донецк области партия ташкилотлари тўплаган тажрибадан фойдаланишни тавсия этди.

Республикамизнинг қурилиш, монтаж ташкилотлари ва корхоналари 1973 йилда Москва шаҳри, Белоруссия, Молдавия ва Донецк областидаги қурилиш ташкилотлари коллективларининг меҳнатдаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва аҳолига товар ишлаб чиқарувчи корхоналарни тезроқ қуриб ишга туширши учун мусобақани кенг авж олдириб юбордилар, ана шу муҳим ишда анча катта натижаларга эришдилар.

Бухоро шаҳридаги ип газлама комбинати, Гулистондаги тикувчилик фабрикаси, Қўқон шаҳридаги хром-чарм заводи, Тошкент шаҳридаги чинни идишлар заводи, пойафзал, тикувчилик ва парфюмерия фабрикалари, Навоий, Тахтакўпир ва Чортоқда пахта тозалаш заводлари, Марғилондаги «Атлас» фирмаси, Қарши, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидаги гўшт комбинатларида, Бухоро, Термиз ва Амударё шаҳарларидаги сут заводларида янги қувватлар ишга туширилди ва бу корхоналар маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Йиллик планда кўзда тутилган Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи ва енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарида янги қувватларни қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш суръатларини жадаллаштириш учун қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорларини сўзсиз бажаришга етарли даражада жалб этмадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетларига қўйидаги ишларни топширди:

— КПСС Марказий Комитетининг «1974 йилда енгил саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарида енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширши суръатларини жадаллаштириш учун қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» 1974 йил 4 февраль қарори раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилинсин;

— Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Қозоғистон ССР, Донецк, Иваново, Москва ва Ростов областлари қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчиларининг ташаббуси қўллаб-қувватлансин;

— енгил саноат, пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати қурилишларида, енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлигига қарашли объектларда уларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш ва 1974 йилда шу иншоотлар қурилишига ажратиб берилган капитал маблағларни тўла ўзлаштириш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин; мусобақа ой сайин якунлаштириб борилсин;

— хўжалик раҳбарларидан мусобақадош коллективларнинг ана шу саноат тармоқларидаги корхоналарни қуриш, уларнинг қувватларини ишга туширши ва ўзлаштиришни жадаллаштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларни вужудга келтириш талаб қилинсин.

Қурилиш, қишлоқ қурилиши, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари, енгил саноат, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати министрликлари, «Главташкентстрой», енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлигига қарашли «Союзхлопкомаш», Ўзбектекстильмаш» республика бирлашмаларининг 1974 йилда янги қувватларни ишга тушириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш муддатлари тўғрисида таклифларини қабул қилинди. Шу билан бирга бир қанча объектларни ва янги қувватларни, шу жумладан Бухоро ип газлама комбинатидаги, Марғилон «Атлас» фирмасидаги, Самарқанд сут заводидаги қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати, пахта тозалаш саноати, қурилиш, қишлоқ қурилиши, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари, «Главташкентстрой», «Союзхлопкомаш» ва «Ўзбектекстильмаш» республика бирлашмалари зиммасига:

— ишга тушириладиган комплексларни ва объект доирасидаги титул рўйхатларни икки ҳафта ичида келишиб олиш, ўтган йилда бошланган ва янгидан бошланган қурилишлар учун пудрат ишлари министрликлари, «Главташкентстрой», «Союзхлопкомаш» ва «Ўзбектекстильмаш» республика бирлашмалари зиммасига:

— ишга тушириладиган комплексларни ва объект доирасидаги титул рўйхатларни икки ҳафта ичида келишиб олиш, ўтган йилда бошланган ва янгидан бошланган қурилишлар учун пудрат ишлари министрликлари, «Главташкентстрой», «Союзхлопкомаш» ва «Ўзбектекстильмаш» республика бирлашмалари зиммасига:

— Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Қозоғистон ССР, Донецк, Иваново, Москва ва Ростов областлари қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчиларининг ташаббуси қўллаб-қувватлансин;

— енгил саноат, пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати қурилишларида, енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министрлигига қарашли объектларда уларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш ва 1974 йилда шу иншоотлар қурилишига ажратиб берилган капитал маблағларни тўла ўзлаштириш учун социалистик мусобақа ишга туширишни таъминлаш, ишга туширувчи кадрларни тайёрлашга доир баъзи масалаларни оператив тарзда кўнгилдагидек ҳал этмаётирлар. Бу эса айрим жойларда янги қувватларни ўз вақтида ишга туширишга ва уларни нормативда белгиланган муддатларда ўзлаштиришга ҳалақит берди.

Айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари аҳолига керакли товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланмадилар, ана шу муҳим ишда хўжалик раҳбарларига олдига жиддий талабларни қўймадилар, қурилиш ва корхоналардаги

— ишларни бажаришнинг ниҳоий лойиҳаларини, зарур материалларини етказиб бериш муддатларини кўрсатилган графикларни бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда енгил индустриянинг барча қурилишларини шу графикларга мувофиқ равишда малакали ишчилар билан, қурилиш машиналари ҳамда механизмлар билан тўла таъминлаб туриш;

— шу қурилишлар учун ишнинг ҳажмига қараб уларга қурилиш материаллари ва конструкцияларни тўла ва узлуксиз етказиб туришни таъминлаш.

«Союзхлопкомаш», «Ўзбектекстильмаш», «Средазэлектроаппарат» республика бирлашмалари, Тошкент электрокабель заводи, республиканинг бошқа заводлари ва корхоналари республика ҳамда мамлакат енгил индустрияси қурилишларига технология ва электр техника асбоб-ускуналарини, кабель-сим маҳсулотини ва махсус материалларни белгиланган муддатларда таъёрлашлари ва нарядларга мувофиқ барвақт жўнатишни таъминлашлари керак.

Министрликлар, идораларнинг бошлангич партия ташкилотларига комплектловчи ва сотувчи ташкилотлар, тайёрловчи бирлашмалар ва заводлар, қурилиш ва монтаж ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларига асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материалларни тайёрлаш ва етказиб бериш устидан мунтазам контроллик, шунингдек мусобақадош коллективларнинг юксак унумли меҳнат қилиши учун шароит яратилиши устидан мунтазам контроллик қилишни таъминлаш тоғширилди.

Газета редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қурилишларида олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида маълум қилиб туришлари лозим.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БЕЛГИЛОВЧИ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ ВАЗИФАЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРАЙЛИК

„ТАШКЕНТКАБЕЛЬ“ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган мурожаатига жавобан ва Ўзбекистон республикаси ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг олтин юбилейини муносиб кутиб олишга интилиб, 1974 йил учун қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари, 25 декабрда бажариш. Йиллик пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилиш.

Беш йилликнинг 4 йилида маҳсулотни реализация қилиш планини 18 декабргача бажариш, 4 йил ичида халқ хўжалигига пландан ташқари, 7,5 миллион сўмлик кабель маҳсулоти етказиб бериш.

Қуйидаги буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилинган мукобил планни бажариш:

геофизик ишлари учун кабеллар — 250 км.

оғир шланг кабеллари — 200 км.

маиший электр-асбоблари учун шланг симлари — 220 км.

олис алоқа кабеллари — 150 км;

обмотка симлари — 40 т.

Пландан ташқари 100 минг сўмлик фойда олиш.

Меҳнат унумдорлигини белгиланган топшириққа нисбатан 0,5 процент ошириш.

Ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини жорий қилиш йўли билан 200 минг сўмлик материалларни, 1 миллион 300 минг киловатт-соат электр энергияни тежашга эришиш.

Техникани тараққий эттириш ва коллективни социал ривожлантириш соҳасида:

— 2 миллион сўмлик янги серунум технологик ускуналарни, шу жумладан уч қават изоляция ва иҳота қобиғи ичига олинадиган (мамлакат кабель саноатида биринчи) линияни монтаж қилиб, фойдаланишга топшириш;

— Электр сигналлари унча заифлашмайдиган ва пластмассага ўралган 2 минг километр шаҳар телефон алоқа кабели ясашни ўзлаштириш ва тайёрлаш, минус 55 градусдан плюс 90 градусгача температурали ва 200 атмосфера босимли ташқи муҳитда ишлайдиган ҳамда 2300 вольт кучланишга мўлжалланган, сувга, газга, нефтга бардош берадиган шланг-кабелларни кўплаб ишлаб чиқаришни, узлуксиз қўйиш ва прокат қилиш установкасида мис катанкадан 3000 тонна кабель, оз легирланган мис қотишмалардан 100 тонна контакт сими ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

— ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 550 минг сўмни тежаш;

— социал ривожланиш соҳасида 56 тадбирни амалга ошириш, шу жумладан қуйидаги ишларни бажариш:

Чорвоқ сув омбори атрофида ёшлар учун чодирли лагер ташкил этиш, пионер лагерида 1500 болаларнинг дам олишини уюштириш. Лашкерак дам олиш зонасида ошхона, «Товоқсой» филиалида душхона қуриш, иккинчи кварталда 48 квартирали уй-жой қура бошлаш ва шу иншоот учун ажратиб берилган маблағларни тўла ўзлаштириш.

1974 йилнинг иккинчи ярмида давлат сифат белгиси қўйиладиган буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмини 24 процентгача етказиш.

I—II кварталларда «Товоқсой» филиалидаги машина-ускуналарни монтаж қилиш ва бронлаштирилган контроль кабеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Юк ортиш — бўшатиш ишларини механизациялаштириш тадбирлари комплексини, меҳнатни илмий ташкил этишга доир 10 та планни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Бу чора 120 кишини бошқа ишлар учун бўшатиб бериш имкониятини туғдиради.

Халқ истеъмол қиладиган буюмларнинг учта янги турини кўплаб ишлаб чиқаришни уюштириш ва ўзлаштириш.

Бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш соҳасида:

— «Минск—32» электрон-ҳисоблаш машинаси негизида коллективни техникавий-иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс плани тадбирларини бажариш юзасидан узлуксиз контролнинг автоматлаштирилган системасини жорий қилиш;

— маҳсулотни сотиш ва реализация қилиш юзасидан ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси комплекс вазифаларини жорий этиш;

— 280 янги ишчини тайёрлаш;

— 550 ишчининг малакасини ошириш;

— 140 инженер-техник ходимнинг малакасини ошириш;

— 1750 кишини иқтисодий таълимнинг ҳамма турларига жалб этиш.

Қишлоқ хўжалиги объектларига маҳсулот етказиб бериш планини муддатидан илгари бажариш:

йилнинг биринчи ярми планини 1974 йил 15 июнда, бутун йил планини 1974 йил 1 декабрда бажариш.

Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда оталик йўли билан ёрдам бериш.

Ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмаси «Электроаппарат» коллективини социалистик мусобақага чақирамиз ва мамлакатнинг турдош корхоналари билан социалистик мусобақани давом эттирамиз.

„УЗБЕКШАХТОСТРОЙ“ ТРЕСТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Узбекшахтострой» трести ва унинг пудратчи ташкилотлари коллективи КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб 1973 йилги план топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Ангрен олтин саралаш фабрикасининг биринчи навбати, Олмалиқ химия заводининг бир қанча объектлари, Олмалиқ маиший химия заводининг ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, уй-жой биноларини ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш планлари оширилди ado этилди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳамда «1974 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига амал қилиб, Узбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, «Узбекшахтострой» трести ва унинг пудратчи ташкилотларининг бинокорлик материаллари саноати корхоналари ҳамда автомобиль транспорти хўжалиги ходимлари билан биргаликда 1974 йилга қуйидаги мукобил планни қабул қилдилар.

Пудрат ишлари йиллик планини 25 декабргача, беш йиллик тўртинчи йили қурилиш-монтаж ишлари планини эса 2,5 миллиард сўмлик ошириб бажариш, беш йиллик планни 1975 йил 25 ноябрда адо этиш.

Резервлардан фойдаланиш, ишчилар маҳоратини ошириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан яна бир процент оширишни таъминлаш. Бу эса 1974 йилда ходимлар сонини кўпайтирмаган ҳолда қурилиш монтаж ишларини анча оширишга имкон беради.

Қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштиришни давом эттириб бундан кейин қурилиш ишлари суръатларини кучайтириш ва муддатларини қисқартириш, бу тадбир Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигида Ангрендаги олтин саралаш фабрикасининг 2-навбатини муддатидан илгари ишга туширишга, Ангрен резина комбинатининг биринчи навбатини 1974 йил 5 декабрда ишга туширишга, Охангарон дарёсини янги ўзанга буриб юборишни ва Ангрен шаҳрида ҳунар-техника билим юрти биносини қуришни, шунингдек жами майдони 45,3 минг квадрат метрдан иборат маданий-маиший объектлар ва уй-жой биноларини, шу жумладан пландан ташқари 1,3 минг квадрат метр ҳажмидаги биноларни 1974 йил 20 декабргача қуриб битказиш. Олтинчи совхозда 108 минг бош чўчқа боқиладиган ва семиртириладиган комплекс қурилишида қурилиш-монтаж ишлари планини 27 декабргача бажариш.

Меҳнат унумдорлигини янада ўстиришга ва объектларни ишга туширишни тезлаштиришга эришиш, қурилишда фан-техника тараққиётини ҳар жиҳатдан кучайтириш, прогрессив технологияни, меҳнатнинг илғор усулларини, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашни кенг жорий этиш. Шу мақсадда қурилишларнинг тўла йиғма бўлим даражасини янада оширишга алоҳида эътибор бериш. Барча саноат, қишлоқ, уй-жой ва маданий маиший объектларнинг 50 проценти йиғма панелдардан қурилади. Ер қазиш ишларини 1974 йилда 99,1 процент комплекс механизациялаш, юк ортиш-тушириш ишларини 97,5 процент, сувоқ ишларини 88 процент ва бўёқчилик ишларини 87 процент механизациялаштириш.

1971—1975 йилларда трест коллективини социал ривожлантириш планини изчиллик билан амалга ошира бориб, тоғлик ҳудуда жойда янги пионер лагерини қуриш, бинокорлар учун йил бўйи ишлайдиган санаторий очиш, икки кунлик дам олиш зонасини обод қилиш учун комплекс қўшимча тадбирларни амалга ошириш.

Икки бригадада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин методига мувофиқ бригада пудрат ишини жорий этиш.

Камчил хом ашё материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига белгиланган нормадан ташқари 30 тонна металлни, 229 тонна цементни, 210 минг дона гиштни ва 1000 квадрат метр ойнани тежаш, бир йилда шартли 135 минг сўм иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифларини жорий этиш.

Ишга тушириладиган объектларнинг 95 процентини аъло ва яхши баҳолар билан топшириш.

Мана шу барча тадбирларнинг амалга оширилиши қурилиш монтаж ишлари таннархини белгиланган топшириққа нисбатан яна 0,5 процент камайтиришга ва планда белгилангандан ташқари 105 минг сўм фойда олишга имкон беради.

Социалистик мажбуриятлар «Ташкенткабель» заводи, ССРР 50 йиллиги номли Сирдарё ГРЭСи, «Сирдарьягрессстрой» қурилиш бошқармаси, «Узбекшахтострой» трести участкалари, бўлимлари, цехлари, корхоналари коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

ССРР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ СИРДАРЁ ГРЭСИ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ ВА ИШЛАТУВЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Сирдарё ГРЭСи қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчилари коллективлари КПСС XXIV съезди Директивларини бажара бориб, Сирдарё ГРЭСида энергетика қувватларини ишга тушириш юзасидан план топшириқларини муддатидан икки йил илгари бажардилар. 300 минг киловатт қувватга эга бўлган иккинчи энерго блок 1973 йил 28 декабрда муддатидан илгари ишга туширилди ва дастлабки 1 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди.

Қурувчилар, монтажчилар ва ишлатувчилар коллективи беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мурожаатига жавобан ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланиб, ўз зиммаларига қуйидаги оширилган мажбуриятларни қабул қилдилар:

йиллик планни барча техникавий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари 25 декабрда бажариш, саноат ишлаб чиқаришини 1973 йилдагига нисбатан 2,6 баравар ўстиришга эришиш, пландан ташқари 400 миллион киловатт соат электр энергия ҳосил қилиш;

300 минг киловатт қувватга эга бўлган иккинчи энерго блокидан пухта фойдаланишни муддатидан илгари ўзлаштириш, март ойида лойиҳадаги барча параметрларни бажарган ҳолда станциянинг 600 минг киловатт қувватга эга бўлишига эришиш;

беш пудрат плани бўйича қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари 22 декабрда бажариш, пландан ташқари 1 миллион сўмдан кўпроқ маблағни ўзлаштириш, ўз кучимиз билан пландан ташқари 26 декабргача 150 минг сўм маблағни ўзлаштириш;

белгиланган йиллик топшириққа нисбатан қабул қилинган мукобил планни бажариш: 300 минг киловатт қувватга эга бўлган учинчи энерго блокни муддатидан илгари — 1974 йил 25 декабрда фойдаланишга топшириш.

Пландаги 7.924 квадрат метр фойдали майдон ўрнига 10.656 квадрат метр уй-жой биносини қуриб фойдаланишга топшириш. Бундан март ойида 354 ўринлик ётоқхонани, май ойида 6-уй-жойни, август ойида 7-уй-жойни, май ойида энергетика техникумининг мажлислар залини, июль ойида хизмат-маиший корпусни, сентябрь ойида марказий ремонт устахонаси комплексида сувни химиявий тозалаш иншоотини, май ойида комплекс мазут хўжалигини, май ойида 10 иш ўрни бўлган магазинни, декабрь ойида 280 ўринлик болалар богчасини, сентябрь ойида ҳунар-техника билим юртининг ўқув ишлаб чиқариш корпусини фойдаланишга топшириш.

Белгиланган ҳар 1000 киловатт қувват ҳисобига саноат ишлаб чиқариш ходимлари салмоғини 3 процент камайтириш, қурилиш таннархини 0,1 процент камайтиришга ва шу ҳисобдан пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинишига эришиш, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига қарағанда яна 1 процент ошириш ва шу ҳисобдан қурилиш-монтаж ишлари планини 30 минг сўмлик миқдорда ошириб бажариш.

Станцияда 0,5 миллион сўм иқтисодий самара берадиган ва техника тараққиётига доир 5 та тадбирни жорий этиш, шу жумладан:

а) иккинчи блокни ёрдамчи асбоб-ускуналари билан бирга ўзлаштириш;

б). Биринчи турбогенераторни ва биринчи қозон агрегатини автоматлаштириш;

в). Икки блокдаги ИВ—500 информация қисмлари (информация ҳисоблаш машиналари) ишларини созлаш;

г). «Средазнингаз» институти яратган горелкаларни ўзлаштириш;

—Қурилишда 18.0 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган янги техникага доир ўнта таклифни ва меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича 8 та таклифни жорий этиш.

Жами 60 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 72 та рационализаторлик таклифларини жорий этиш.

Асбоб-ускуналар ишининг рационал режимларини жорий этиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига қурилишда 500 тонна шартли ёнилғини тежаш, ўз эҳтиёжларимиз учун сарфланадиган электр энергияни 0,5 миллион киловатт-соат миқдорида, материалларни 35,0 минг сўмлик тежаш.

Битта қурилиш комплексида Злобин методи асосида бригада хўжалик ҳисобини жорий этиш, механизмлардан фойдаланишни 1973 йилдагига нисбатан 15 процент яхшилаш, энг асосий механизмларни 2—3 смена ишлатишга ўтказиш, барча ишга тушириладиган объектларни яхши ва аъло баҳолар билан топшириш.

290 ишчига янги касбларни ўргатиш, 620 кишининг малакасини ошириш, ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилардан 570 кишини иқтисодий таълимнинг турли формаларига жалб этиш.

Электр станциянинг барча ходимлари клуб биносини қуриш ва посёлкани обод қилишда актив қатнашадилар. Бунинг учун ҳар бир киши ишдан бўш вақтида камида 24 соат ишлаб беради.

Ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ «Фарҳод» совхозига оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

А—2487. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Индекс 64634. Р. 03253.